

**ПРОФЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН  
ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ**

**Иброҳимов Баходирович**  
ИИВ Академияси “Автомобиль  
тайёргарлик” ўқитувчиси

**Иброҳим**  
кафедраси

**Абдуҳалилов Абдурашид ўғли**  
ИИВ Академияси, 319-гуруҳ  
курсанти

***Аннотация.** Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид фаолияти йўналишлари, таълимотлар ва уларнинг ривожланиши босқичлари, амалга ошириладиган тадбирлар, содир этилган ҳуқуқбузарлик юзасидан киритиладиган тақдимномага қўйиладиган талаблар, ҳуқуқбузарликларнинг элементлари, сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитлар таҳлилидан келиб чиқиб назарий-ҳуқуқий ва амалий таклиф-тавсиялар муҳокама қилинган.*

***Калит сўзлар:** ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқбузарлик профилактикаси, ҳуқуқбузарлик профилактика субъектлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар.*

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан то ҳозирги кунга қадар амалга ошириб келаётган туб ислохотларимиздан кузланган асосий мақсадлардан бири жамиятимизда бозор муносабатларини авж олдириш асосида шахс ҳуқуқ ва эркинликларини янада кенгайтириш, бу ҳуқуқ ҳамда эркинликлар кафолатларини кучайтиришдан иборатдир. Ижтимоий соҳа иқтисодий ислохотларимиз эволюцион тарзда, босқичма-босқич мамлакатимиз, ҳаётимизнинг барча жабхаларида, фуқароларимиз моддий, маънавий- рухий ахволида салмоқли ижобий узгаришлар ясар экан, буларнинг барчасида инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш устивор вазифалардан булиб қолаверади.

Зероки, Республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёев узининг Олий мажлисга мурожаатномасидаги маърузасида таъкидлаганларидек: «Биз мамлакатимизда ҳуқуқий давлат, демократик жамият барпо этиш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини енг олий ва устивор қадрият сифатида қарор топтириш борасида утган давр мобайнида қонунчилик соҳасида ва амалий сиётамизда қандай натижа ва ютуқларни қулга киритилган бўлсак, уларнинг барчаси Конституциямизда муҳрланиб қуйилган талаб ва тамойиллар билан узвий боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси мустақил миллат, мустақил давлат сифатида уз тараккиёт йулини бошлаган дастлабки кунлардан бошлаб умуминсоний қадриятлар, инсон ва унинг ҳуқуқларига оид халқаро қоидалар устивор эканлигини тан олди. Бу ҳол республикамиз томонидан мустақиллигимизнинг

илк даврларидаёк Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқларига тааллуқли энг муҳим халқаро ҳужжатлари - «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси», «Иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқлар тугрисида»ги Халқаро пакт, «Аёллар, болалар ҳуқуқлари»га оид конвенцияларни ратификация қилинишида, ушбу оламшумул халқаро стандартларнинг асосий принциплари ҳамда нормалари Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигига, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига имплементация (халқаро нормаларнинг миллий қонунчиликда акс этиши) қилинди ҳамда муваффақият билан билан қулланиб келинмоқда.

Бугунги кунда шахс ва давлат муносабатларида шахс ҳуқуқларининг устунлиги эътироф этилиб, ижтимоий ҳимоя давлатимиз сиёсатида етакчи урин тутиши таъкидланар экан, инсон ҳақ-ҳуқуқларини янада кенгайтириш, бу ҳуқуқлар руёбга чиқарилиши учун қулай иқтисодий ҳамда ҳуқуқий шароит, кенг макон яратилиши, инсон ҳуқуқлари қафолатларининг қучайтирилиши ва бу қафолатларининг қучайтирилиши ва бу қафолатлар натижасини таъминловчи зарур механизмлар яратилиши, мсасалар уларни зудлик билан ишга туширилиши билан боғлиқ муаммолар аниқлаш, уларни зудлик билан ишга туширилиши билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш, уларни ечимини ахтариб топиш давлат ва жамият учун ҳам, уни ҳар бир аъзоси учун ҳам ҳаётга аҳамият қасб этувчи долзарб масала ҳисобланади.

Бугун ривожланган айрим давлатлар АКШ, Россия, Буюк Британия, Австралия, Япония, Хитой, Германия ва х.к. да фуқаролар ҳафвсизлиги, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш билан баробар, фуқароларнинг родини ошириш, кенг жамоатчилик ишларида фаол қатнашиши, барча жабҳаларда ўз фаолиятини олиб боришлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этишда, жинойтларни олдини олишда қумаклашиш мақсадида маҳалла родини ошириб, жойларда жамоат ташкилотлари ташкил этилган. Шу орқали улар давлат органлари билан ҳамкорликда самарали иш фаолияти олиб боришга хизмат қилинмоқда, ҳуқуқ тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борилишига, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалишига хизмат қилмоқда. Жамоат тартиби ва Ҳавфсизлигини таъминлашда жамоатчиликнинг иштироки буйича узига хос тажриба **Россия Федерациясида** қарор топган. Россияда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан милицияга қумаклашувчи жамоат тузилмаларини турт гуруҳга ажратиш мумкин:

а) жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини таъминлаш соҳасида бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциясини бажарувчи жамоат тузилмалари -

тартибни саклаш маҳалла ҳуқук-тартибот масканлари, кунгилли халқ дружиначилари, казаклар жамияти;

б) корхона, муассаса ва ташкилотларнинг меҳнат жамоалари негизида ташкил этилган жамоат тузилмалари - комиссиялар, секциялар, кенгашлар, марказлар;

в) яшаш жойларида фуқароларнинг узини узи бошқариши тарзида жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини таъминлашга кумаклашиш учун тузилган жамоат тузилмалари - мавзелар кумиталари, ота-оналар кумиталари, жамоатчи тарбиячилар;

г) муайян масалаларни куриб чиқиш ва қарор қабул қилиш ваколатига эга булган жамоатчилик юрисдикциявий органлари - маъмурий комиссиялар, вояга етмаганлар ишлари буйича комиссиялар.

Кўнгилли халқ дружиначилари Россияда тарихан шаклланган жамоат тузилмаси булиб, илк бор 1958 йилда Ленинград шаҳрида Киров заводи хизматчилари ҳисобидан тузилган эди. Бугунги кунда Россия Федерацияси қонунчилигида уларнинг ҳуқук-тартиботни таъминлаш буйича фаолиятини янгича шароитда ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Ҳрзирда Москва шаҳрида жамоат тартибини саклашда дружиначиларнинг уз урни мавжуд булиб, уларнинг фаолияти штаблар томонидан мувофиқлаштириб борилади. Россия тажрибаси:

Фуқаролар жамоат тартибини саклашда фаол иштирок этиши мумкин. Бу тизим Россия Федерациясида федерал қонун “Фуқароларнинг жамоат тартибини саклашда иштирок этиши” Жамоат бирлашмалари ҳақида” (1995 йил, 19 май № 82-ФЗ) каби норматив ҳужжатида мустаҳкамлаб қуйган.

Ушбу қонунлардан қуринадики, Россия Федерациясида федерал қонунини билан тартибга солиган халқ дружиналари фаолият олиб боради. Ушбу халқ дружиналар уз фаолияти давомида жамоат тартибини саклашда фаол иштирок этадилар. Улар ИИОлари ходимлари билан доимий равишда ҳамкорликда қилишилган ҳолда фаолиятини амалга оширадилар. Бу дегани халқ дружиналари режа тузадилар вақт, соат, аниқ жойни, иштирокчилар сонини, керакли булган зарур ҳолатларни белгилайдилар. Халқ дружиналари фаолиятининг асосий йуналишлари қуйидагилар: Россия Федерацияси давлат ҳокимияти субъектлари, ИИОларига, узини узи бошқариш органларига жамоат тартибини саклашда ёрдам курсатиш; Худудда қонунбузарликларни олдини олишда бевостиа ёрдам курсатиш; Худудаги криминоген вазият ҳақида маълумотлар йигади, аҳоли уртасида вужудга келаётган муаммоларнинг сабаб ва шароитларини урганади;

Конунбузарлик содир этишга мойил, гайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этаётган шахсларни аниклайди.

Халк дружиналари кунгилли, соғлом Россия Федерацияси фукароларидан ташкил этилади. Фукаролар ҳам жамоат тартибини саклашда ИИОлари ходимларига куйидаги ҳолларда ёрдам беради: Полиция ва ХМКО га бевосита ёрдам курсатиш, маълумот йигиб, маълумотни бериш; Бедарак йуқолганларни кидириб топишда, нотаниш туйилган шахслар хакида маълумот беришда;

Халк дружиналари сафида биргаликда ёрдам курсатишда. Россиянинг айрим худудларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида милицияга ёрдам берувчи, фаолияти ҳукукий таъминланган яна бир узига хос тузилма - казаклар жамиятидир. Хозирги кунда мамлакатнинг биргина Краснодар улкасида 300 га якин казаклар жамиятига бирлашган 5000 дан ортик кунгиллилар жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка карши курашда милицияга ёрдам курсатмокда.

**Япония** полицияси ҳам жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда жамоатчилик билан ҳамкорлик килиш борасида кенг куламли тажрибага эга булиб, реабилитацион химоя марказлари, «Акалар ва опалар», «Ота-оналар ва уқитувчилар» жамиятлари ҳамда узини узи бошқариш (мавзелар) кумиталари бу борадаги ҳамкорликнинг тенг ҳуқуқли субъектларидир.

Мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишда ўз ўрнига эга булган «Акалар ва опалар» жамияти илк марта 1947 йилда Киото шахрида талабалар томонидан ташкил этилган. Хозирги кунда мазкур жамият Япониянинг барча худудларидаги юзлаб маҳаллий жамоаларда минглаб аъзолар иштирокида ҳаракат килади.

Жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда полицияга кумалашувчи Ота-оналар ва уқитувчилар жамияти бугунги кунда ҳар бир мактабда уз урнига эга. Ушбу жамиятнинг бутун давлат миқёсидаги фаолияти Ота-оналар ва ўқитувчилар жамияти умумяпон кенгаши томонидан мувофиқлаштириб борилади.

Узини узи бошқариш кумиталари Японияда иккинчи жаҳон уруши йилларида, ИИВнинг курсатмасига мувофиқ, ИИИнинг функцияларини бажарувчи куйи бугин сифатида фаолият курсатиб келган булса, 1952 йилга келиб, улар конунга мувофиқ уз вазифаларини бажарадиган булдилар. Полициянинг ушбу кумиталар билан узаро ҳамкорлиги ҳам катта аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, Японияда бутун мамлакат худуди буйича тарқалган ва таркибига фукароларнинг ихтиёрий уюшмалари аъзоларини жамлаган

«полиция билан алоқа пунктлари» фаолият олиб боради. Хар бири 50 га якин оилани камраб олган бундай пунктлар сони Японияда тахминан 700 000 та.

**Америка Кушма Штатларида** ахоли турар жойларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда полициянинг жамоатчилик билан ҳамкорлиги юзасидан кейинги 12-15 йил ичида «компьюнти полисинг», яъни «жамоа полиция хизмати» принципига асосланган концепция фаол амал килмокда. Бунда полициянинг асосий эътибори микротуманларга каратилиб, бир томондан фуқароларнинг турмуш тарзини узгартиришга ёрдам берилди, иккинчи томондан хар бир фуқаронинг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олишга хиссасини кушиши мумкинлиги хакида тушунтириш ишлари олиб борилди. Натижада полиция билан фуқаролар уртасидаги узаро ишончга асосланган муносабатлар самара бера бошлади. Жамоатчилик, хусусан фуқароларнинг ҳуқуқ-тартиботини таъминлашдаги фаол иштирокини рағбатлантиришда полиция томонидан бежирим, эътиборни тортувчи кийимлар бериш, меҳнатларини турли йуллар билан тақдирлаш, бепул кечалар уюштириш, пул мукофоти бериш, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар килиш, давлатнинг олий мансабдор шахслари томонидан ташаккур эълон килиш каби турли усуллар кулланилади.

**Франциянинг** 1799 йилги Конституцияси бир вақтнинг узида маҳаллий ўзини-узи бошқариш органлари тизимининг шаклланишига ҳам катта таъсир кўрсатди. Бўнинг натижасида, аввало континентал Европада, кейинчалик эса уларнинг собик колонияларида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг шаклланиш даври бошланди. Бу давлатда маҳаллий узини узи бошқариш органларининг асоси коммуналар ҳисобланиб, уларнинг сони 36.750 тадан ортиқдир. Шунингдек, Франция Конституциясига кура, коммуналар, департаментлар ва минтакалар маҳаллий узини узи бошқариш органларининг жамоалари ҳисобланиб, улар бир канча маъмурий вако-латларга эга булганлари холда маъмурий ҳудуднинг бир қисми ҳисобланади. Уз навбатида ушбу органлар фаолиятида умумий жихатлар ҳам мавжуд булиб, улар куйидагилардан иборат:

*биринчидан*, ушбу бошқарувнинг уч погонаси ҳам узларининг маҳаллий бош-қарув органларига эга булиб, уларни маҳаллий ахоли тугридан-тугри яширин овоз бериш йули билан вакиллик органларига сайлайдилар;

*иккинчидан*, уларнинг барчалари уз ваколат дораларига эга булиб, улар давлат ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни хал этишда бир-биридан ажратилмаган холда бажарадилар;

*учинчидан*, улар ваколатларини давлат хокимияти органдаридан маҳаллий хокимиятларга утказилиши икки томонлама молиявий харажатларни олдини олиш мақсадида конунга биноан утказилишига асосланади;

*туртинчидан*, ушбу органларнинг зиммасидаги барча ваколатларни амалга оширишда ва мавжуд маблағларни қупайтириш учун бир хил ресурсларга таянади;

*бешинчидан*, ҳар бир уз узини бошқариш органларида давлат вакили сифатида префект бириктириб қуйилган бўлиб, у маҳаллий даражада қабул қилинаётган қарорларнинг қанчалик қонунийлигини назорат қилиш учун масъул ҳисобланади ва уларни қонун назоратчилари (*posteriori*) деб аташади.

Кези келганда таъкидлаш керакки, оммавий савдо, саноат хизматларини ташкил этишда маҳаллий саноатчилар ва тадбиркорлар билан рақобат ўрнатиш таққиланади. Бирок, агар масала умумий манфаат юзасидан амалга оширилаётган бўлса, айниқса ижтимоий соҳа объектларига тааллуқли муаммолар юзасидан рақобат муҳитини шакллантириш лозим бўлса, буни қонун ҳам қўллаб қувватлайди.

Ушбу давлатда 1982 йилдан бошлаб минтақаларга ҳудудий ўзини-ўзи бошқариш органи мақоми берилган бўлиб, уларга молиявий соҳада ҳуқуқатдан ва минтақавий жамоалардан маблағлар олиш, заёмлар чиқариш, мажбурий солиқ ва бир марталик йигимлар жорий этиш; иқтисодий соҳада минтақалар таркибидаги департаментларни иқтисодий ривожлантириш ва инвестициялар жалб этиш бўйича ҳамкорлик қилиш ва уларни йўналтириб туриш, минтақа ҳудудларини ободонлаштириш ва ривожлантириш, жумладан, минтақа манфаатини ақс эттирувчи йирик давлат лойиҳаларини молиялаштиришда иштирок этиш, минтақавий ривожланиш ва бандликни таъминлаш бўйича ташкил этилган қорхоналар инвестицион лойиҳаларни давлат томонидан тугридан-тугри модиялаштиришни қарорлаш; ижтимоий соҳада эса, таълим, маданият, транспорт, уй-жойлар қурилиши ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш каби ваколатлар берилган. Эътиборли жиҳати шундаки, айнан ижтимоий соҳада Франция Конституцияси давлат органлари билан бир қаторда МУУБОга ҳам ижтимоий заиф ижтимоий гуруҳларни ҳимоя қилишда маълум бир ваколатларни юқлайди. Масалан, бу давлатда аҳолининг ижтимоий таъминланиши икки хил турга, яъни ижтимоий сўгурта ва ижтимоий ёрдамга бўлинади. Уз навбатида ижтимоий сўгурта масалалари одатда, иш берувчи ёки тегишли жамғармаларга мажбурий бададдар тулаб берувчи ходимларнинг ўзлари томонидан амалга оширилса, айнан *ижтимоий ёрдам* масалалари давлат ёки маҳаллий ҳудудий жамоалар томонидан ҳалокат ёқасида қолган,

ижтимоий суғурта буйича таъминланиш ҳукукига эга булмаган ёки булмаса ижтимоий суғурта жамгармаларидан кун кечириш учун етмайдиган микдорда, яъни жуда оз микдорда маблағ олувчи шахсларга нисбатан курсатилади.

Францияда департаментлар-давлатнинг асосий маъмурий бирлиги хисобланиб, улар боскичма-боскич йиллар утгани сайин номарказлаштириш сари борди. 1982, 1983 ва 1985 йилларда қабул килинган номарказлаштиришга йўналтирилган конунлар аввало департаментларнинг анъанавий функцияларини кенгайтирди. ҳозирги кунга келиб Департаментлар уз узини бошқарувчи жамоа сифатида бюджет-нинг бажарилиши устидан мустақил холда назорат олиб бориш, уни тасдиқлаш ва шакллантириш; узига тегишли мол-мулк устидан назорат урнатиш; жамоавий хизматларни ташкил этиш учун савдо ишларини амалга ошириш; молиявий инки-розга учраши кутилаётган корхоналарни куллаб кувватлаш ва уларга молиявий кумак курсатиш каби ваколатларни амалга оширмоқдалар.

Департаментлар ҳудудий ўзини ўзи бошқариш жамоаси сифатида кантонларга булинади. Кантонлар эса ўзида бир нечта коммуналарни бирлаштирган. Коммуналарга маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни хал этишда жуда кенг ваколатлар берилган бўлиб, хаттоки улар маҳаллий ижро органларини мустақил равишда шакллантириш ҳукукига ҳам эгадирлар. Коммуналар аҳолига кўпинча карз кафолати; ижарага бериш мақсадида, корхона учун бино сотиб олиш; ссуда ва субсидиялар; фоизли имтиёзлар; касб таълими борасида ёрдам курсатади. Шундай килиб, МУУБнинг Франция моделига МУУБ фаолиятини марказий ҳокимият вакили назорат килиши хос, бундан ташқари, шунини таъкидлаб утиш жоизки, Францияда МУУБО фаолиятини ҳукукий тартибга солишда шундай принцип мавжудки, бу принципга кура муниципал идораларга конунда таъкидланмаган ва бошқа идоралар ваколатига кирмайдиган барча хатти- ҳаракатларни килишга рухсат этилган. Таъкидлаш жоизки, хорижий давлатларда жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини таъминлашда жамоатчиликнинг иштирокини таъминлаш орқали ҳукукни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан полиция фаолиятининг устидан жамоатчилик назорати ҳам таъминланади. Бинобарин, 1990 йилда Копенгаген шаҳрида Европада Ҳавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти иштирокчи- давлатлари ички ишлар идоралари жамоатчилик назорати остида булиб, унга ҳисобдор булиши лозимлигига яқдиллик билан келишишган эди. қолаверса, ички ишлар идоралари фаолиятининг демократик асослари уларнинг нафақат давлат ва конун, балки фуқаролар, уларнинг вакиллари олдида ҳам ҳисобдор бўлишини талаб қилади.

Шуни алохида таъкидлаш керакки, бугунги кунда ҳеч бир мамлакатда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жамоатчилик билан ҳамкорлигини таъминлаш бўйича универсал макбул шакл ишлаб чиқилмаган. Шу боис, бу борада кенг қўламли ҳамкорликни ташкил этишда барча давлатларда узаро ҳамкорлик юзасидан ишлаб чиқилган ҳар қандай дастур, режа ёки бошқарув қарори у амал қиладиган маҳаллий ҳудуднинг узига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишига катта эътибор қаратилади.

Юқоридагилардан қуриниб турибдики, хорижий давлатларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда полициянинг жамоатчилик билан мунтазам ҳамкорлигини таъминлаш орқали, *биринчидан*, маҳаллий даражада жамоат тартиби ва хавфсизлигини самарали таъминлашга, *иккинчидан*, ҳудудда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш учун нафақат полиция, балки жамоатчиликюшг ҳам масъул эканлигини тушуниб етишга, *учинчидан*, полиция фаолиятининг устидан жамоатчиликнинг доимий назоратини таъминлашга эришилади. Жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда жамоатчилик иштирокининг хорижий тажрибасини ўрганиш асосида мамлакатимизда ушбу соҳада жамоатчиликнинг иштирокини янада такомиллаштириш учун назаримизда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

*Биринчидан*, аҳоли турар жойларида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш учун нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, балки жамоатчиларнинг ҳам бевосита масъул эканлигини тушуниб етишларига эришиш;

*Иккинчидан*, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши кураш фаолияти устидан жамоатчилик назоратини урнатиш ва уни қонунчилик билан тартибга солиш;

*Учинчидан*, аҳолига ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам қурсатишни ички ишлар идоралари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири даражасига қутариш ҳамда бу орқали, ички ишлар органларини халққа яқинлаштириш чораларини қуриш;

*Туртинчидан*, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича жамоатчилик билан ҳамкорликни таъминлашда, шу жумладан ушбу ҳамкорликни ташкил этишга хизмат қилувчи дастур, режа ёки бошқарув қарорини ишлаб чиқишда маҳаллий ҳудуднинг узига хос хусусиятларини ҳисобга олишга катъий риоя қилинишига эришиш, каби чора-тадбирларини уз ичига олади.



**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Мирзиёев Ш.М. Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, осуда ва фаровон ҳаёти ҳимоя қилинмоғи керак: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 9 февраль кунини ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маъруза. // POSTDA. - Т. 2017.
2. Ахмедшина, Н.В. Возникновение и развитие отечественной виктимологии / Н.В. Ахмедшина // Вестник томского государственного университета. - 2013.-№300 (1). -С.138-141.
3. Криминология. Умумий қисм: Дарслик / И. Исмаилов, Қ.Р. Абдурасулова ва бошқалар. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015 й. Б–179.
4. Криминология. Махсус қисм: Дарслик / И. Исмаилов, Қ.Р. Абдурасулова ва бошқалар. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015 й. Б–347-348.
5. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича назарий ҳуқуқий ва амалий таклиф // Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси марказ катта прокурори Ж.М.Мирахмедов Scientific Journal Impact Factor (SJIF): 5.938.
6. И.Б.Иброҳимов. Автомактабларда ҳайдовчи-йўриқчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш методикаси // Eurasian journal of law, finance and applied sciences Journal has been listed in different indexings ISSN 2181-2853 189-193 б. 2022 йил декабрь Т.
7. Попова Н.Ф., Овчинникова Л.И. К вопросу привлечения общественных объединений к охране общественного порядка // Российский следователь. - 2006. - № 10. - С. 39-40.

ACADEMIC BOOK